

ТОШКЕНТ ҲАҚИКАТИ


1928 йил 11 декабрда асос солинган

Болалар спорти

ИШОНЧ ВА КУЧ — КЕЛАЖАК ПОЙДЕВОРИ

Спорт тинчлик элчиси, дея эътироф этилиши бежиз эмас. Негаки, у миллатлар, элатларни бир-бири билан оғанини, дўст-биродар бўлишида, мамлакатлар ўртасидаги алоқалар мустаҳкамланишида беназир хизмат қилаёпти. Шунингдек, у инсон ҳаётида муҳим аҳамият касб этиши ҳам барчага маълум. Зеро, жисмоний ва маънавий етуклик инсонга ишонч ва куч бағишлайди. Президентимиз таъбири билан айтганда "...соғлом бола, соғлом инсон бўлиб вояга етди. Руҳи тетик, тани бақувват, фикри тиниқ бўлади. Ўз олдига қўйган мақсадларини амалга ошира олади. Отасига, элу юртига наф келтиради".

(Давоми 4-бетда).



Таассурот

Мен асли Наманган вилоятининг Чуст шаҳрида туғилганман. Тақдир тақозоси билан Зангиота туманидаги Назарбек қишлоғида яшадим, 40 йил пойтахтдаги трамвай депосида меҳнат қилдим.

ҚАЛБИМДА ИФТИХОР ҲИССИНИ ТУЙДИМ

Яқинда Чуст шаҳрига бориб келиш учун йўлга тушдим. Тошкент — Наманган вилоятларини бирлаштирувчи темир йўлни кўриб, юрагимда ажиб бир ифтихор ҳиссини туйдим.

Эсимда, олдинлари бир вилоятдан иккинчисига бориш азоб эди: йўллар нотекис, транспорт кам. Ҳозирчи! Истиқлол шарофати билан биз тушимизда ҳам кўрмаган шароитлар яратилди. Йўллар кенг ва раво, кўчалар турли транспорт воситалари билан тўла. Эътиборлиси, бу автомашиналарнинг аксарияти ўзимизда ишлаб қийилмоқда. Ангрэн — Поп йўналишидаги электрлаштирилган темир йўл эса энди биз каби йўловчиларнинг узогини янада яқин қилади. Поезд йўлининг бир томонидаги ра-

вон автомобиль йўли, маҳаллий аҳоли ҳамда йўловчилар учун яратилган қулайлик ва шароитларни кўриб, роса қувондим. Буларнинг барчаси бунёдкор халқимизнинг меҳнатлари самараси деб биламан.

Биз фахрийлар ҳаммаша Ватанимизга кўз тегмасин, мустақиллигимиз абадий бўлсин, юртимизда доимо тинчлик ҳукм сурсин, дея дуога қўл очамиз. Чунки, бугунгидек овоз ва обод замонни кўплаб ажодларимиз орзу қилиб, кўролмай ўтишди. Бундай бахт ва имкон бизга насиб этгани учун шукр қилиб, қадрига етайлик, авлодларимизни ҳам юртимизга муносиб фарзандлар этиб тарбиялайлик.

Аминжон ҚОДИРОВ,
меҳнат фахрийси.

1 октябрь — Ўқитувчи ва мураббийлар куни

ЎҚИТУВЧИ ДАРС ПАЙТИДА

кимга айланиши керак,
«актёр»гами ё «режиссёр»га?

"Бироз оширвордин-гиз-ов, педагог, ўқитувчи, актёр, режиссёр умуман бошқа-бошқа одамлар бўлса, ахир уларнинг вазифаси икки карра икки — тўртдай ҳаммага маълум-ку", дейсизми? Кам бўлманг! Мен ҳам шундай ўйлардим. Саломат опа Абдуқодирова билан суҳбатлашиб, опанинг педагогик фаолияти билан танишганимдан кейин фикрим бутунлай ўзгарди.

Опа билан кўришиб, гаплашганимда рус адабиётининг йирик наомнаси Антон Чеховнинг Юлия Васильевнаси беихтиёр ёдимга тушди. Иккинчидан ўртасида ўхшашлик ҳам бор. Қаранг, улар кўз нури ва қалб кўрини, бор билим ва тажрибасини ёш авлод тарбиясига бағишлаб, маърифат зиёсини тараддию, бунинг эвазига ҳеч нима таъма қилмайдилар.

(Давоми 2-бетда).

2015 йил — Кексаларни эъзозлаш йили

ҲАММАНИНГ ДИЛИДАГИ ГАП

Чинниҳон аянинг чироғи ҳали ёниқ. Ҳар кеча фарзандларига эртак ва ривоятлар ўқиб беради. Айниқса Мавжуда ривоятларни яхши кўради. Бугун ҳам Мавжудани ухлатиш учун ривоят бошлади.

"Қадимда улкан дарё бўйида аҳили иноқ эл яшаркан. Одамлари бир-бирига меҳрибон, ўз тили, дини, урф-одатлари, касб-кори ардоқли, маданияти юксак экан.

Йиллар ўтиб, шу юрт тупроғига душман ора-лабди. Тирик жон борки, ҳаммаси қиличдан ўтказилибди, масканларининг кули кўкка совурилибди. Тасодифан тирик қолган бир аёл чақалоғини бешикка белаб, дарёга оқизибди. Ва шамолга ёлворибди: "Боламин тинч ва осуда жойларга етказ. Унинг томирида диёнатли бир халқнинг қони оқаётир".

Шу пайт ортида овоз

эшитилибди: "Сени ўлдирмаймиз, яқинроқ кел". Аёл ўғирилса, кўзи душманининг оч нигоҳи билан тўкнашибди. Фаҳмлабди: "Эвоҳ, агар тирик қолиб, душман уруғини кўпайтириб берсам, бегуноҳ юртдошларим қони тўкиларкан ер мендан рози бўладими? Йўқ, шундай қилайки, ҳоким шу она тупроқда қолсин!". Аёл ўзини дарёга отибди.

Шундан сўнг душман саркардаси: "Мана, ниҳоят бу элнинг ёстигини қуритдик. Тили, дини, урф-одатлари, маданияти ва маънавиятига қирон келтирдик. Энди бу эл ҳақида ҳеч ким ҳеч нарс

билмайди", дея хандон отиб қулибди.

Тасодиф сабаб ҳалиги бешикдаги чақалоқ омон қолибди. Шамол уни узоқ оролчага элиб борибди. Чамаси икки йил аввал шу оролчага яқин жойда бир кема ҳалокатга учраб, ёш йигит ва қиз тирик қолишган экан ва улар шу ерда турмуш қуриб, бахтли ҳаёт кечирашаркан. Бешикдаги чақалоқни кўриб, қувониб кетишибди. Чунки бу чақалоқ уларга элдош эди.

Йиллар ўтиб, ушбу оролчада одамлари бир-бирига меҳрибон, ўз тили, дини, урф-одатлари, касб-корлари ардоқли, маданияти юксак эл пайдо бўлган экан...

Чинниҳон пишиллаб ухлаб қолган Мавжуданинг пешонасидан ўптида, чироқни ўчирди.

Баҳор ўтиб, ёз келди.

Мевалар пишиб, ерга тўкилди. Арпа-бугдой бошоғи сарғайди. Қишлоқда иш қайнади, бўш одамнинг ўзи йўқ. Шундай кунда Саидкарим кўчадан совуқ гап топиб келди. Уруш бошланибди.

Авал урушга кўнгирилларни кўзёш билан кузатишди. Саидкарим ва укаси Саидусмон уларга қўшилди. Кузатаётганлар орасида қизалоғини бағрига босган Чинниҳон ҳам бор эди.

Қишлоқда фақат кексалар, аёллар ва ёш болалар қолди. Одамлар кечаю-кундуз тинмай ишларди. Чинниҳон аёл боши билан тракторга ўтирди. Ер ҳайдади, чигит эқди, ўзага ишлов берди. Қишлоқ тарихида биринчи аёл тракторчига айланди.

(Давоми 2-бетда).

Қарор ва ижро

Президентимизнинг жорий йил 18 сентябрдаги "Қурбон ҳайитини нишонлаш тўғрисида"ги Қарорига мувофиқ Тошкент вилоятида ҳам ушбу айёмни кўтаринки руҳда нишонлашга қизғин ҳозирлик қилинмоқда.

ШУКРОНАЛИК ВА БАҒРИКЕНГЛИК РАМЗИ

Муборак Қурбон ҳайитининг маънавий ҳаётимиздаги ўрни, моҳияти ва аҳамиятини, халқимизга мансуб меҳроқибат, шукроналик ва бағрикенглик рамзи эканини эътиборга олиб, миллий-диний қадриятларимизни асраш ва улуғлаш мақсадида "Нуроний", "Маҳалла" жамғармалари ва бошқа ташкилотлар томонидан мазкур байрамни жойларда тартибли ва юқори даражада, халқимизнинг миллий қадриятларига мос равишда нишонлаш учун зарур чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Вилоят шаҳар ва туманларидаги кўча ва хиёбонлар, муқаддас қадимжолар ва зиёратгоҳларда кенг қўламли ободонлаштириш ишлари олиб борилаётир. Эҳтиёжманд, боқувчисини йўқотган оилалар, ёлғиз кексаларнинг хонадонлари ҳашар йўли билан таъмирлаб берилаётир.

Вилоят хотин-қизлар кўмитаси, маънавият тарғибот маркази ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлиқда байрам муносабати билан жойларда "Кексалар дуосини олайлик", "Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин!", "Қариси бор уйнинг — париси бор", "Қариялар хонадонимиз файзи" каби мавзуларда маданий-маърифий тадбирлар, "Меҳр-муҳаббат ва тотувликда кечаётган узоқ умр" шиори остида ўзининг фидокорона меҳнати билан мустақиллигимизни мустаҳкамлаш ва ёш авлод тарбиясига муносиб ҳисса қўшаётган ёш ишчилар билан учрашув ва давра суҳбатлари ўтказилмоқда. Улар ўзларининг ибратли ҳаёт йўли, мам-

лакатимизда миллий-диний қадриятларимизни тиклаш ва ривожлантиришга қаратилаётган алоҳида эътибор, аҳоли ўртасида меҳроқибат, бағрикенглик ва ҳамжиҳатлик муҳитини янада мустаҳкамлаш борасида амалга оширилаётган ишларнинг беқиёс самаралари ҳақида ёшларга сўзлаб бераётир.

— Қурбон ҳайити эзгу амаллар айёмидир, дейди "Маҳалла" хайрия жамоат фонди Бекобод тумани бўлини раиси Р. Шерматов. — Туманда ушбу байрамни муносиб нишонлаш мақсадида кўча ва майдонлар, ҳовли-жойлар тартибга келтирилди. Гулистон, Чаноқ, Қиёт қишлоқлари чиқиндилардан тозаланди. Бундай ишларда ёшларимизнинг кўмаги катта бўлаётир.

Дарҳақиқат, меҳроқибат, шукроналик ва бағрикенглик айёмини муносиб қутиб олиш ва кенг нишонлаш борасидаги тадбирларда ёшлар ташкилотлари ҳам фаол иштирок этмоқда. "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Бекобод тумани кенгаши ташаббуси билан "Ўтганлар руҳини шод этайлик", "Ҳашар — ёшларга ярашар" лойиҳалари асосида қабристонларда ободонлаштириш ишлари амалга оширилмоқда.

Ушбу айёмни кўтаринки руҳда нишонлаш, жамоат тартиби ва ёнгина хавфсизлигини таъминлаш мақсадида кенг қўламли профилактик тадбирлар амалга оширилаётир. Маҳаллалар ва таълим муассасаларида "Огоҳлик — давр талаби", "Ўз уйинг ўзинг асра!" каби мавзуларда давра суҳбатлари, учрашувлар ташкил этилмоқда.

Ў.А.

Доимий комиссия йиғилиши

Вилоят ҳокимлигида Халқ депутатлари вилоят Кенгаши ижтимоий маданий ривожланиш масалалари бўйича доимий комиссиясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг шу йил учинчи чорагида ўтказилиши кўтилган навбатдаги сессияси кун тартибига киритиладиган, хусусан, вилоятда туризмни ривожлантириш бўйича Давлат дастури ижроси ҳамда соҳани ривожлантириш истиқболлари тўғрисидаги масалалар муҳокама қилинди.

Вилоят географик жойлашуви, гўзал ва бетакрор табиати, қадимий обида ва қадимжолари қўлғи билан туризм соҳасида юқори салоҳиятга эга. Бўстонлиқ тумани, Ангрэн-

даги Янгиобод, Охангарон тумани тоғли ҳудудларидаги дам олиш масканлари, Зангиота мажмуаси, Окўрғон туманидаги қадимий Шохруҳия шаҳри қолдиқлари каби бой тарихий ме-



ЭКОТУРИЗМ ЮРТИМИЗНИ ДУНЁГА ТАНИТАДИ

росимизни бориб кўриш нафақат маҳаллий аҳолини, балки чет эллик сайёҳларни ҳам қизиқтиради. Бу жойларда соғломлаштириш, экологик, спорт, агротуризм ва бошқа туризм соҳалари, хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнесни ривожлантириш орқали аҳоли даромад манбаини кенгайтириш имкониятлари мавжуд.

Вазирлар Маҳкамасининг "2013-2015 йилларда Тошкент вилоятида туризм соҳасини ривожлантириш дастури тўғрисида"ги қарориди вилоятдаги тарихий-маданий объектларни тадқиқ ва реставрация қилиш ҳолатини яхшилаш белгиланган. Қарор ижросини таъминлаш мақсадидаги манзилли дастурга мувофиқ, 15 та объектни янги кўришни келтириш учун 3 миллион АҚШ долларидан зиёд маблағ йўналтирила-

ди. Бугунги кунда Окўрғондаги "Шохруҳия", "Қанқа" археологик ёдгорликлари, Охангарондаги "Сауртепа", "Шодмалик ота", "Сардоба қайнар" мажмуалари, Пискент туманидаги "Парпи ота", "Қирқ қиз", "Сормозор" қадимжолари қиёфаси тобора ўзгариб бормоқда.

Вилоятда меҳмонхона ва бошқа туризм инфратузилмаларини қуриш ва реконструкция қилиш бошлаб юборилган. Паркент туманидаги "Сумча" дам олиш зонаси инфратузилмасини реконструкция қилиш кўзда тутилган бўлиб, фаолият юритаётган 220 ўринли меҳмонхона ва мажмуаси қайта жиҳозланмоқда. Яна қўшимча 50 ўринли коттеж қурилади.

Туризмни ривожлантириш учун транспорт хизматини янада яхшилаш мақсадида Ҳожикент темир йўл вокзалидан рекреаци-

он ҳудудга яўловчилар ташиш кенгайтирилиб, янги йўналишлар очилмоқда. Вилоятдаги туризм масканларида ҳордиқ чиқараётган сайёҳларга қўшимча транспорт хизмати кўрсатиш мақсадида яна 10 та махсус автотранспорт воситалари харид қилинади.

Хорижликларни қизиқтирадиган тарихий масканларга уларни кўпроқ жалб этиш, вилоятимиз салоҳияти билан таништириш мақсадида Чиноз ва Бўстонлиқ туманларида аънавий балиқ маҳсулотлари кўргазмаси ташкил этилди. "Чимён экстрим", "Чимён садоси" фестиваллари экологик туризмни ривожлантиришга қаратилди. Угом-Чотқол миллий боғи ва Чотқол давлат биосфера қўриқхонаси билан таништирувчи экскурсия ва саёҳатлар меҳмонлар учун ҳам қизиқарли, ҳам

фойдали бўлмоқда. Паркент туманида узум сайли ташкил этиш аънавага айланиб бораётир.

Лондондаги "World Travel Market", Берлиндаги "JATA", Пекиндаги "China Outbound and Tourism Market", Сеулдаги "KOTFA" ва бошқа нуфузли кўргазмаларда вилоятимиздаги сайёҳлик фирмалари иштирок этиб, халқаро тажрибалари амалиётга татиқ этмоқда.

Бир сўз билан айтганда, бу кенг қўламли чора-тадбирлар мамлакатимизнинг халқаро майдондаги обрў-эътиборини янада ошириш, аҳолининг турмуш даражасини юксалтириш, миллий қадриятларимизни кенг тарғиб қилишга қаратилган изчил ишловларнинг амалдаги самарасидир.

Вилоят ҳокимлиги ахборот хизмати.

1 октябрь – Ўқитувчи ва мураббийлар куни

Лекин барибир инсон мақсадсиз яшай олмайдиган. Хар кимнинг ўз мақсади бўлади. Бордию, Саломат ошадан асл мақсади, ҳаёт мазмунини сўрасангиз, ҳеч иккиланмай "ёшларни ўз мустақил фикри, ўз дунёқарашига эга, ҳар томонлама баркамол инсонлар этиб тарбиялаш", деб жавоб беради.

Бу шунчаки айтилган гап эмас. Хар қалай, буним муаллими ўзининг узок йиллик педагогик фаолияти давомида исботлаб келмоқда. Масалан, ҳозир Охангарон туманидаги 8-умумтаълим мактабининг 9-а синфиди кимё дари бошланди. Муаллими ўқувчиларни навбатма-навбат синф тахтаси ёнига чақириб, берилган топшириқларни сўрашга киришди. Синфдаги 30 ўқувчининг хар бирига алоҳида-алоҳида мавзу берилган. Вақт тигиз. Ўқувчилардан бири ўзи учун ахратилган бир неча дақиқадан унутили фойдаланиш пайида: қўлига таёкча тутган ҳолда Менделеев даврий жадвалидаги муайян кимёвий элементларга ишора қилиб, хар қанақа оддий модда маълум бир физикавий ва кимёвий хоссаларга эга бўлишини, агар қандайдир оддий модда кимёвий реакцияга киришса ва янги модда ҳосил бўлса, у ўзининг кўпгина хоссаларини йўқотишини содда қилиб тушунтириб берди. Мисол тариқасида темир олтингургурт билан реакцияга киришгандан кейинги ҳолатини кўрсатди. Унинг бахоси "Кундалик дафтери"дан жой олди: "азло!" Навбат кейинги ўқувчига келди...

Сўралмаган савол, жавоб бермаган бола қолмади. Шу билан дарс ниҳоятсига етди. Муаллими баъзи ўқувчиларнинг натижасини қоникарсиз деб топиб, уларга дарсдан сўнг хонасига келишини тайинлади. Алоҳида-алоҳида ишламаса, қўшимча ва-зифалар бермаса бўлмайди. Тенгқурларидан қолиб кет-

(Давоми. Боши 1-бетда).

тиши мумкин.

Одамлар хар хил бўлади. Саломат опанинг бу ҳаракатини кўпчилик ота-она маъқуллайдиган. Ўзтироз билдирадиганлар ҳам топилади. Шундай дамларда ўқитувчи пинагини бузмай,

солса, кўзлаган мақсадига эришадиган. Опа шунга амал қилиб ўқиди, изланди. Қисқа фурсатда бу ўз самарасини бера бошлади. Илмий мақолалари матбуотда эълон қилинди. Кимё фанига оид дарс ишланма-

дий-техник базаси мустаҳкамлиги, синф хоналарининг кенг ва ёруғлиги билан шахарниқидан асло қолишмайди. Биласиз, ҳозирги замонда инсоннинг қалби ва онгини эгаллаш, айниқса, ёшларнинг маъна-

Саломат опа Абдуқоди-рова бу қоидага қатъий амал қилади. Унинг дарс ўтиш услуби, худди умуминсоний қадриятларни тараннум этувчи умрбоқий фильм суратга олаётган, актёрларга ижро этиши керак бўлган ролни тушунтириб, ўзи бир четда уларнинг ҳаракатини диққат билан кузатиб турган синчков режиссёрга ўхшайди. Ўқувчиларига маззун тушунтириб, аниқ йўналиш беради. Дарс вақтида иложи борица кўпроқ болаларни ишлатади.

"Эритмалар ва унинг хоссалари". Ҳозир ўқувчилар шу мавзу бўйича ўқиб-ўрганганларини бир-бирига гапириб берапти. Ўрта қатор, иккинчи партада ўтирган йигит синфдошларига бир қур назар ташлаб, эритма нима эканлига эринмай таъриф беради. Унинг айтишича, хар қандай эритма эриган моддадан ёки эриган хар хил моддалар аралашмасидан ва эритувчидан ёки хар хил эритувчилар аралашмасидан иборат бўлади. Баъзан қайсиси эриган модда ва қайсиси эритувчи эканини аниқлаш қийин. Одатда, эритмага ўтганда ўзининг тоза ҳолдаги агрегат ҳолатини сақлаб қолувчи моддага эритувчи дейилади. Масалан, туз сувда эриганда – сув эритувчи. Агар хар икки модда бир хил агрегат ҳолатда, яъни, спирт билан сув аралашмасидан қай бири кўп бўлса, ўша модда эритувчи ҳисобланади.

Қоил!.. Режиссурада олтин қоида бор: актёрни "эзиб", синдириб бўлса-да, қўзланган натижага эришиш керак. Модомки, ўқитувчи ўқувчининг қалбини кўришни истар экан, дарс пайтида "режиссёр"га айланиши керак. Мамлакатимиз ёшлари халқроқ микёсда улкан ютуқларга эришадиган Саломат опа каби "режиссёр" ўқитувчилар заҳматли меҳнатининг самаралари эмасми?!

Бекзод ХИДОЯТОВ,
ЎЗА мухбири.

ЎҚИТУВЧИ ДАРС ПАЙТИДА

кимга айланиши керак,
«актёр»гами ё «режиссёр»га?



"боласи-да, жони ачийди", дейди-ю беихтиёр ўзининг ўқувчилиги йиллари ёдига тушади...

У пайтларда муаллим ўқувчини ўқиш, ёзиш, санашга ўргата, бўлди. Шу уч амалини урдадан бола қолган вазибаларни қийналмай баҳараварди. Туманда мактаб кам бўлган. Юқоридан келадиган текширувчилар асосан намунали дейилган муассасаларни кўздан кечириб хулоса чиқарар, таълим-тарбияга оид жамкии тадбирлар шу ерда ўтказиларди. Бошқа мактабларнинг танг аҳоли ҳеч кимни қизиқтирмаган.

Мана шундай оғир шароитда Саломат опа ўқитувчи бўлишга қатъий қарор қилган. Унинг бу қарорини яқинлари қўллаб-қувватлаган. Инсон ўзига билдирилган ишончини оқлаш учун бор билим ва кучини ишга

ларини Тошкент вилоятидаги барча умумтаълим мактабларида оммалаштирилди.

Мамлакатимизда ёшларга маърифат ва билим дунёсини очиб бераётган, унинг қалбига юксак инсоний фазилатлар, фуқаролик туйғуси ва масъулиятини сингдириш йўлида заҳмат чекиб меҳнат қилаётган Саломат опа сингари жонсарақ устозлар меҳнати муносиб рағбатлантирилмоқда. Ватанимиз мустақиллигининг 24 йиллик байрами арафасида С. Абдуқоди-рова Президентимиз фармонига мувофиқ "Меҳнат шухрати" ордени билан тақдирланди.

– Бугунги талаб бутунлай бошқа, – дейди устоз. – Ўғил-қизларимизнинг аксарияти богча ёшдаёқ савод чиқариб, бирор чет тилини ҳам ўрганмоқда. Кишлоқ мактаблари ўзининг мод-

виятини издан чиқаришга қаратилган турли хавф-хатарлар тобора кучайиб бормоқда. Бу жараёнда она юртга муҳаббат туйғуси билан яшайдиган, имон-этиқодни мустаҳкам ёш авлодига муқаддас заминимизни ёт қоялардан сақлашга, Ватанимизни хар томонлама раванқ топтиришга қодир бўлади.

Ёшларни шундай юксак туйғу ва маънавий-ахлоқий фазилатларга эга инсонлар этиб тарбиялаш аввало ота-она ва мураббийлар зиммасидаги вазифадир. Ўқитувчи ўқувчиларнинг дарсда фаол иштирокчини таъминлаш учун дарс ўтишда бирхилликдан қочиши, замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва илгор педагогик усуллардан самарали фойдаланиши, ўқитишнинг интерактив усулларини кенг қўллаши лозим.

Давра суҳбати

Республика пойтахтида "Озон – ультрабинафша нурлардан ягона ҳимоячимиз!" шиори остида Озон қатламини муҳофаза қилиш халқаро кунига бағишлаб тадбир ўтказилди.

ОЗОН ҚАТЛАМИ – ҲИМОЯ ВОСИТАСИ

Республика Табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмитаси, БМТнинг тараққиёт дас-тури, Глобал экологик жамгарма ҳамда Ўзбекистон Экологик ҳаракати ташкил этган тадбирдан ва умуман, Озон қатламини муҳофаза қилиш кунини ўтказишдан мақсад, аввало, аҳолига озон туйнуклари ҳосил бўлишининг хавф-хатарлари, ультрабинафша нурларнинг инсон саломатлиги, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига салбий таъсирини камайтиришда озон қатламининг роли тўғрисида етарли ахборот беришдир.

Тадбир давомида иштирокчилар озон қатламини муҳофаза қилиш нима учун ке-

раклиги ва қуёшнинг зарарли ультрабинафша нурларидан қандай ҳимояланиш сингари саволларга жавоб олиш имконига эга бўлдилар.

Тадбир доирасида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, қатор вазирилик ва идоралар, жамоат ташкилотлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирокида мавзуга оид давра суҳбати бўлиб ўтди. Шунингдек, озон қатламини муҳофаза қилишнинг аҳамиятини акс эттирувчи интерфол ўйин, тематик танлов ва викториналар ўтказилди.

Юлдузхон МУХИДДИНОВА,
"Тошкент ҳақиқати"
мухбири.

Семинар

АХБОРОТ ХИЗМАТИ ТАКОМИЛЛАШМОҚДА

Пойтахтимиздаги "Wyndham" меҳмонхонасида "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ахборот хизматларининг фаолиятини ташкил этиш" мавзусида семинар бўлиб ўтди.

Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликлари қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди ЮНЕСКОнинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг (ЕОХТ) Ўзбекистондаги лойиҳалари координатори ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликда ташкил этган тадбирда вазирилик ва идоралар, халқаро ва жамоат ташкилотлари вакиллари, хорижий мутахассислар ҳамда журналистлар иштирок этди.

"Журналистларга нима керак?", "Нимани ва қандай айтиш керак ёки асосий мазсак?", "Салбий ва таъсирчан таътида нима қилиш керак?", "Худудда ОАВ билан ишлашнинг қайси воситалари самарали ва қайси воситалар матбуот хизматлари иштирокида" ҳамда "Интервью технологиялар" мавзуларида маърузалар

тингланган мулоқотда "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида"ги Қонун фуқаролик жамиятини шакллантириш, фуқароларнинг давлат ва жамият бошқарувидаги иштирокчини таъминлаш, уларнинг ахборотга оид конституциявий ҳуқуқлари тўлиқ таъминланишида муҳим аҳамиятга эга экани, давлат органлари фаолияти ҳақида жамоатчиликни хабардор қилиб боришда уларнинг ахборот хизматлари алоҳида ўрин тутиши, бугунги кунда мамлакатимиздаги барча вазирилик ва идораларда ахборот хизматлари ташкил этилгани ва уларнинг фаолияти изчил тақомиллаштирилаётгани, шунингдек, давлат органларининг фаолияти ҳақида аҳолининг хабардорлигини ошириш билан бир қаторда мамлакатда амалга оширилаётган демократик жараёнлар

2015 йил – Кексаларни эъзозлаш йили

ҲАММАНИНГ ДИЛИДАГИ ГАП

Беш йил давом этган уруш ниҳоят тугади. Ака-ука Саидкарим ва Саид-усмон она кишлоқлари Кавардонга соғ-саломат қайтишди. Бу орада Мавжуда ҳам улғайиб, уч ўғил, уч қизни воёга ет-казди.

– Узок йиллар ҳалол меҳнатларим учун мамлакатимиз Президентини Фармонида биноан "Шухрат" медалига сазовор бўлдим, – дейди Мавжуда Қосимхўжаева. – Бир неча бор Халқ депутатлари вилоят ва туман Кен-

(Давоми. Боши 1-бетда).

гашлари депутати этиб сайландим. Президентимизнинг биз нурунийларга кўрсатаётган ҳеч-сиз ғамхўрликларидан бошим осмонга етиб яшайман. Илоё юртимизга кўз тегмасин. Юртбошимизнинг: "Мен ишонаман – асрлар, замонлар ўтар. Аммо барчамизга ўзлимизни англаш, инсоний шайимизни, қадриятимизни, ўз юртимизга эгалик қилиш ҳуқуқини, тилимиз, муқаддас динимизни қайтариб берган бу улуг айём Ватанимиз тарихида олтин са-

ҳифа бўлиб абадий сақланиб қолажак" деган сўзлари бутун Ўзбекистон халқларининг дилидаги ғадир.

...Мавжуда ая ётадиган хона чироғи ёниқ. Ёши саксондан ошган, аммо нигоҳлари ҳамон ўткир. Қўллари титрамай, кўз-ойнақсиз игнага ип ўтка-зади, набиралирга эр-тақ ва ривоятлар айтишдан чарчамайди. Ана, ая қўлига китоб олди. Жаж-жигана набирасини ухлатиш учун қадим бир ривоятни ўқиб бошлади...

Латифжон МАНСУРОВ.

КЕКСАЛАР ЗАВҚИ

Инсон саломатлигида спортнинг ўрни ва роли бекиёс. У ёшларни хар томонлама баркамол бўлиб воёга етишларига, кексаларимиз соғлигини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

– Шунини инобатга олиб, туманимизда ёши улуглар учун турли спорт мусобақаларини ташкиллаштирамиз, – дейди "Маҳалла" хайрия жамоат фонди Бўстонлик тумани бўлини масъул котиби

Дилором Ортиқова. – Қувонарлики, мусобақаларда кексаларимиз катта иштиёқ билан иштирок этадилар. "Кексалар завқи" деб номланган мусобақа аёллар ўртасида ташкил этилди. Унда "Озодбош", Искан-

дар, "Марказий" маҳалла жамоалари турли шартлар бўйича ўзаро беллашдилар. Қизгин кечган кураш натижасида 1-ўрин озодбошлик аёлларга насиб этди.

Ғолиб ва совриндорларга "Маҳалла" хайрия жамоат фонди ҳамда ҳамкор ташкилотларнинг эсдалик совғалари топширилди.

Илимира ЛАЗИЗОВА.

Партиялар ҳаёти

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси вилоят кенгаши ташаббуси билан Пискент туманида Халқ депутатлари вилоят шахар, туман Кенгашлари депутатлари иштирокида давлат раҳбарининг "Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажига йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир" китоби тақдими бўлиб ўтди.

Мустақиллик ҳаёти-миз маъно-мазмунини

ОЛИЙ САОДАТ

бутунлай ўзгартиргани, миллий демократик давлат қуриш, дунёнинг етакчи мамлакат ва халқларига тенглашиб, фаровон ҳаёт йўлини очиб бергани билан қадри ва мўътабардир, – дейди вилоят кенгаши қўмитаси девони раҳбари Шухрат Насимов. – Истиқлол таянчимиз, қудратли суянчимиздир. Айнан мустақиллик шарофати би-

лан матонатли халқимиз ҳаётида улкан ўзгаришлар юз берди. Юртбошимиз таъбири билан айтганда, она юрт бахту иқболи ва келажига йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир.

Тадбир сўнигда иштирокчилар партия фаоллари ҳамда ёшларни қизиқтирган саволларга жавоб беришди.

Наргис МАМАТКУЛОВА.

Саломат бўлинг

Ҳаво ҳарорати пасайиш билан грипп ва ўткир респиратор вирусини инфекциялари (ЎРВИ) каби юқумли касалликлар кўпаяди. Бу эса инсон саломатлигига таъсир этиш билан бирга моддий зарар ҳам келтиради. Энг ёмони бу касалликлар ўзидан оғир асорат қолдириши мумкин. Грипп ва ЎРВИ вирусини ҳаво орқали юқади. Унинг яширин даври 12 соатдан 3 кунгача давом этади.

Киши грипп билан касалланса, боши қаттиқ оғриб, айланади, суяк ва мушакларда зирқираш, ҳолсизлик кузатилади. Нафас қисилиши ҳам грипп аломатларидан бири бўлиб, томоқ йўллари яллиғлангани учун шундай бўлади. Тана ҳарорати 38,5-40 даражага кўтарилиб, бу ҳол 2-5 кунга чўзилиши мумкин. Грипп асо-

БОШ ҚАТТИҚ ОҒРИСА...

ратсиз ўтса, одам бир ҳафта ичида оёққа турари. Бирок, беморда терлаш, толиқиш, уйку бузилиши юз бериб, кайфияти ўзгариб туради.

Оғир кечган грипп пневмония, бронхит, синусит, ангина каби жиддий асоратлар қолдиради. Грипп билан оғриган одам кўп суяқли ичиши ва пархез қилиш шарт. Бу касаллик ўтишини енгилаштирилади.

Айрим ота-онлар фарзандларига турли дори-дармонларни шифокор кўрсатмасисиз беришади. Натижада касаллик узок чўзилади ва аллергия аломатларини

кўзгатади. Эмлаш гриппнинг олдини олишда муҳим аҳамиятга эга. Уни қўллаш алоҳида фаол имунитет ҳосил қилади. Қутилган натижада олиш учун аҳолининг 70 фоиздан зиёди эмланиши керак.

Орзухон ЛАТИПОВА,
саломатлик ва тиббий
статистика институти
вилоят бўлими
мутахассиси.

Матбуот анжумани

Мамлакат иқтисодиёти тармоқлари ва ижтимоий соҳаларини қуз-қуш даврида барқарор ишлашга тайёрлаш яқунловчи паллага киргани муносабати билан Ўзбекистон Миллий матбуот марказида "Республика ижтимоий соҳа муассасалари ҳамда аҳолига кўмир етказиб беришнинг замонавий тартиби" мавзусида матбуот анжумани ўтказилди.

КЎМИР ЕТКАЗИБ БЕРИШ ТАРТИБИ

Анжуман "Ўзбеккўмир" ҳамда "Ўзбекэнерго" акциядорлик жамиятларининг ташкилий қўллаб-қувватлаш ёрдамида уюштирилиб, турли оммавий ахборот воситалари билан кўмир қазиб чиқариш тармоғи ходимлари ўртасида ўзаро эркин мулоқот тарзида кетди.

Матбуот анжумани жараёнида бир қатор долзарб масалалар муҳокама қилинди. Жумладан, республика боджет ташкилотлари, халқ таълими, соғлиқни сақлаш, умумтаълим бўлимлари ва бошқа муассасаларини ҳамда истеъмолчи-

ларни кўмир ёқилғиси билан таъминлаш, шунингдек, кўмир қазиб олиш жараёнида чиқадиган каолин ва бошқа тоғ жинслари каби фойдали қазилмаларни таллабдорларга етказиб бериш масалалари хусусида фикр юритилди, таълиф ва тасвирлар баён этилди.

Анжуман давомида матбуот органлари ходимлари "Ўзбеккўмир" акциядорлик жамияти мутахассисларидан ўзларини қизиқтирган саволларга атрафлича жавоб олишди.

Ўз мухбиримиз.

Тошкент воҳаси: афсона ва ҳақиқат

Тошкент воҳаси қадим-қадимлардан Марказий Осиёнинг энг бой ва гўзал минтақаларидан бири бўлиб келган. Олиму сайёҳлар қадимий Чоч шаҳри ҳақида кўп ва ҳўп гапиришган ва ёзишган. Ушбу афсонавий давлатнинг ҳайратомуз боғлари ва ажойиб қасрлари ҳақидаги ҳикоят ривоятлар оғиздан оғизга ўтиб келган. Бу давлат шаҳар аҳли билан кўшни ҳудудлардаги деҳқонлар ва кўчманчи уруғлар ўртасидаги амалий

Тошкент воҳаси ҳудудида ўз вақтида 50 га яқин шаҳарлар гуллаб-яшнаган. Ўрта аср олимлари, географлари ва тарихчилари бепоеён боғлари ва нафис ҳунармандчилик тармоғига эга шаҳар на Мовароуннахрда, на Хуросонда бўлмаганини ҳажон билан таърифлашган.

Қанқа, Банокат, Кабарна, Фарикент, Шутуркет, Тункет, Улкантўтепа, Ардланкет, Бискет, Худойкент... Ушбу номлар халқ хотирасида ҳамон яшаб келмоқда. Бу жойлардаги ҳар бир тош аллақачон йўқ бўлиб кетиб, тарихга айланган аҳоли истиқомат масканларидаги ҳаёт нафасини ўз бағрига сингирган. Энди улардан фақат харобаларгина қолган. Яна қанчаларнинг сир-асрорлари эса кўплаб тупроққўрғонлар қаърида яширин. Улар юзаки ва онда-сонда ўрганилган ҳолос. Шу сабабли археологларнинг меҳнати жуда машаққатли ва қадрлидир. Зеро, улар кучли иродалари ва мустаҳкам сабр-бардорлари билан ўтмиш тил-симлари сари қадам-қадам йўл очиб борадилар.

Бу дунёда ҳеч нарса ўз-ўзидан йўқ бўлиб кетмайди. Биз китоб ва фильмлар, буюк шаҳарлар ҳаётига оид бебаҳо маълумотлар орқали тарихий хотирамиз сарчасимасига яна ва яна қайтаверамиз. Ушбу жараён ҳаётнинг ўзи каби тўхтов билмас ва абдийдир.

Оққўрғон тумани кенгликларида қадим Чочнинг энг йирик шаҳарларидан бирига қарам бўлган катта ер мулки ястаниб ётибди. Бу – Чочнинг энг кўна шаҳри, унинг биринчи пойтахти Қанқа. Ҳайбатли, музассам шаҳар. Бу шаҳар-давлатнинг қанчалик улугворлиги охирига-ча ўрганиб улгурилмаган ҳали, гарчи ўзбек археологларнинг меҳнати бугун бизга ушбу шаҳарнинг қанчалик ва қудратини тасаввур этиш имконини берган бўлсади.

Археолог В. Верешчагин 1868 йилдаёқ ушбу улкан тепалик тарихий ёдгорлик эканини

ҚАНҚА — МАНГУЛИККА ДАХЛДОР ШАҲАР

қайд қилган эди. 1907 йилга келиб, унинг биринчи фотосурати пайдо бўлди. Ўрта Осиё археология мактабининг асосчиси, академик М. Массон 1934 йилда Охангарон дарёси ўрта оқими ҳудудини ўрганди. Ушанда у маҳобатли кўна шаҳар харобалари, айниқса, қўрғонларига жиддий эътибор қаратиб, ушбу ёдгорлики Чочнинг Ўрта асрдаги энг йирик шаҳарларидан бири бўлган Харашкентга ўхшатган эди.

1966 йили Чотқол-Курама археология отряди бу ерда биринчи тадқиқот ишларини бошлаган. 1969 йилда эса Маданият вазирлиги йўриғи бўйича археолог олим Юрий Буряков раҳбарлигида қазихиш ишлари олиб борилди. Тадқиқотлар жараёнида ёдгорликнинг ҳамият ривожини таъсирига оид улкан салохияти аниқланди ва 1972 йилда республика Фанлар академиясининг археология институти ишни давом эттирди. Ўша йилдан оқ бизнинг археологларимиз, айниқса, Ю. Буряков ва унинг шогирдлари учун буюк самаралар даври бошланди.

Ю. Буряков ва унинг отряди узоқ йиллар давомида тўплаган маълумотларда бу ерда ҳаёт эраимиздан аввалги биринчи асрдан ривожлана бошлаб, эраимизнинг XIII асри (мўғуллар истилоси)гача давом этгани аниқланди. X-XII асрлардаги Шарқ географлари ушбу шаҳарни таърифили туриб, Харашкент (Қанқа) қатталиги жиҳатидан Тошкент давлатининг иккинчи шаҳри деб ёзишган. Сирдарёдан саккиз километр шарқдаги Қанқа ёдгорликлари ҳам мутахассислар, ҳам осоритаклар ишқибозлари синчиқлаб ўрганишган. Айрим мутахассислар "Қанқа" номини қадимий Қанга давлати билан боғлайдилар. Бу ном қадимий

ва маданий алоқалар қизғин кечган шароитларда шаклланган ва ривожланган.

Чоч савдо-иқтисодий ва маданий-этник алоқа ва жараёнлар чорраҳасида жойлашган бўлиб, унумдор ерлари, қудай иқлим шароити ва албатта, кўплаб конлари билан ажралиб турган. Олтин, қумуш, феруза, мис ва бошқа кўплаб қазилма бойликлари эга бўлган.



"Авесто" ва Фирдавсийнинг "Шохнома"сида ҳам эслатиб ўтилган.

Қадимий қарвон йўллари бўйлаб ўтказилган кўп йиллик экспедициялардан сўнг академик М. Массон Харашкентни қулонлар шаҳри деб фарз қилди. Бу буюк олимнинг "Еввойи қулонлар тарихидан" номли мақоласи ҳам эълон қилинган.

"Қулон" атамаси Марказий Осиёнинг у қадар йирик бўлмаган кўплаб шаҳар ва аҳоли истиқомат жойлари номида ҳам учрайди. Ў асрдаги араб географларининг қайд этишлари-ча, Шошининг йирик шаҳарларидан бири бўлган Илоқ "еввойи қулонлар шаҳри" деб аталган экан. Зеро, қадимда одамлар қулонларга эътиборли бўлишган ва уларни авайлашган. Деҳқонлар ва кўчманчилар уларнинг кучлилиги ва жасурлигини алоҳида қадрлашган. Уларнинг тугеи зарбидан бўрилар ҳам қўрқишган.

Шу ўринда М. Массоннинг юқорида тилга олинган машҳур мақоласидан парча келтириш аини мудоао: "Чингизхоннинг ўғилларидан бири қўшинларини гўшт билан таъминлаш учун йилки ва қулонларнинг катта

уюрини ҳайдаб келиб, сўйишни буюрди ва шу тариқа минглаб оқ от ва қулонлар нобуд қилинди.

Орадан бироз вақт ўтиб, ёш бир мўғул чўлға овға чиқди. Бир зумда уни қулонларнинг катта уйори ўраб олиб, топтаб-янчиб ташлади".

Шарқда қулонларга нисбатан узоқ вақт эҳтиром кўрсатиш билан бирга шарафланган ҳам. Ҳатто, обрў-эътиборли оилалар аъзолари исмига "қулон" сўзи қўшиб айтилган.

Бироқ кейинчалик, ўтган асрнинг 80-йилларида археологлар топан XI асрга тааллуқли тангада "Харажкет" сўзи битилган экан. Ҳарфлардаги биргина фарқ ("ш" – "ж") атаманинг маъносини бутунлай ўзгариб юборди. Яъни, "Хараж" сўзи "давлат марказий газнасига тушадиган солиқ (хирож)" маъносини англатади. Демак, шаҳарнинг Харажкет деб аталиши унинг пойтахт шаҳар мақомига эга бўлганини билдиради.

Чоқ мулкнинг пойтахти Тошкентга қўйрилган, Қанқадаги шаҳар Харашкет номини олди (Ю. Буряков. Хара-Хвара, худди Фарнек). Демак, Қанқа – Харашкет – бу Аллохнинг марҳамати билан муқаддас қўш

ёғдусига эга Фарна шаҳри. Олов билан боғлиқ барча меҳроблар, яъни оташпарастликнинг барча аломатлари бош рами бўлган Қўёнинг жамики белгилари шунга ишора қилмоқда. Умуман, ҳамма даврларда шаҳар ўз номига эга бўлган. Бироқ, турли халқлар уни ўзларича атаган бўлишлари ҳам мумкин.

Қанқадаги энг машҳур топилмалардан бири оташпарастлар ибодатхонасидир. Ю. Буряков бошлиқ археологлар санъат асари даражасига етказиб ишланган ҳайкалчалар топишди. Корропастика деб аталуви бу усул Ўрта Осиёнинг энг қадимий санъат турларидан биридир.

Сўғд ва Бактрия, Хоразм ва Парвия корропастикаси намуналарини ҳажон санъати олтин фондига тақдим этилган. Шош корропастикаси эса ўтган асрнинг 80-йилларида қадар маълум эмас эди. Мана энди Тошкент воҳаси ҳам ажойиб ва ҳажожи ҳайкалчапар коллекциясини тақдим этди.

Жониворлар тисмолига сажда қилиш барча халқларнинг турмуши ва санъатида асрлар давомида мавжуд бўлиб келган. Қанқа ҳам бундан мустасно

эмас. У тадқиқотчиларга мисли қўрилмаган бойлик инъом этди. Яъни, қўйларнинг ҳайкалчалари ҳузур-ҳаловат ва тўқин-сочинлик рамзи бўлган Фарна маъбудасини, қудратли ёввойи қобон шакли эса Фалаба маъбудасини ифодалаган. Шунингдек, тилларанг бронзадан ясалган чавандоз ҳайкалчаси, олтин безаклари... Ҳа, Қанқа тилга кирди! У ишонч ва тарихий мерос тилида сўзламоқда. Ва шуниси жуда муҳими, биз кўна шаҳарларнинг тилини тушунишимиз, унинг хотирасини ёдгорликларини ҳимоя қилишимиз, асрашимиз ва унутмаслигимиз орқали ёдга олишимиз лозим.

Бугунги Қанқа 180 гектар майдонда ястанган, катта салохиятга эга, ўзимизнинг сайёҳлар ва хорижий туристлар учун истиқболли маскан. Аммо, энг аввало, Қанқа – бизнинг виждону диёнатимиз, тарих инъом этган ишонч мезонимиз. Бироқ, афсуски, у чек-чегарасиз эмас. Тарих олдида, буюк аجدодларимиз олдида айбдор бўлиб қолиш – улкан гуноҳ. Уни қутқариш ва асраш – ягона имкониятимиз. Ва бу ҳаммага, муқаддас жойларга ахлат тўқанларига, шунчаки, қизқувчанлик қилиб, қадимий ибодатхона деворларига дахл қилганларга ҳам тааллуқлидир.

Биз муқаддас заминда яшамокдамыз. У шунинг учун муқаддаски, минг-минглаб фарзандлари табаррук замин эркин нафас олиши учун жон нишор қилдилар. Тўмарис ва Широқ, Спитамен ва Мангуберди ва яна кўплаб ҳақиқий халқ қаҳрамонлари унинг бағрида мангу макон топдилар. У яна шунинг учун ҳам муқаддаски, у дунёга юлдузлар жадалви ва тиб қонунларини, араб грамматикаси ва Ҳадислар жамламасини, обсерватория ва тиррик бебаҳо сўз дурдоналарини яратган буюк даҳоларни берган.

Одамларнинг буюк ишлари ўлмас шаҳарлар каби халқ хотирасида қолади ва яшайди. Шаҳар йўқолиши мумкин, аммо номи яшайди.

Қанқа – ана шундай роҳатбахш, маъмур шаҳар.

Зарифа ЭШМИРЗАЕВА, халқаро "Олтин мерос" хайрия жамғармаси вилоят бошқармаси бошлиғи.

101 огоҳлантиради

ҚОНДАЛАРГА
РИОЯ
ҚИЛАЙЛИК

Қадимдан оловдан ўз эҳтиёжларимиз учун фойдаланиб келамиз. Бироқ, ундан фойдаланишнинг қонун-қондалари бор. Уларга амал қилинса, ҳаётимиз тинч ва беҳавотир кечади.

Оддий бир мисол: болаларнинг гуғурт, олов билан ўйнашлари оқибатида ёнгин келиб чиқиши мумкин. Шунинг учун ота-она боласини мунтазам назорат қилиб бориши лозим. Кичгинагина эътиборсизлик туйғайли катта кўнгилсизликлар содир бўлади. Қолаверса, ҳар бир уй эгаси фақат соз элктр асбобларидан фойдаланиши, иши битгач, электр тармоғидан узиб қўйиши керак. Чунки, электр асбобларининг ортиқча қизиб кетиши натижасида ҳам ёнгин содир бўлиши мумкин.

Ёқиб қўйилган электриситиқ асбоблари, дазмол ва плиталарни қаровсиз қолдирманг. Уларни ёнмайдиган материалдан ясалган махсус тагликка қўйинг. Газ плитаси устида кир қуришти, бензинда кир ювиш, ёқилган телевизорни назоратсиз қолдириш ҳам кучли ёнгинга сабабчи бўлишини ёдда тутинг!

Тандирхона ва ошхона биналари хавфсиз, очик жойга қурилгани маъқул. Унинг томида ҳар хил ёнувчи буюмлар, иккиламчи уй-рўзгор жиҳозларини сақлаб бўлмайди. Табиий газни резина шланглар орқали улаш ҳавфли бўлиб, айниқса тунда ёниқ қолдириш ярамайди.

Шерзод ХҲҲАЕВ, вилоят ИИБ БХБ муҳандиси.

ЭЪЛОНЛАР

Шаҳар, шаҳар атрофи ва шаҳарлараро (вилоят ичида) йўналишларда
йўловчилар ташишни ташкил этиш вилоят комиссияси томонидан
2015 йил 28 октябрь соат 10.00 да очик тендер ўтказилади

1. ВХ-342 й.т. "Санам қишлоғи-Ангрен деҳқон бозори" (такрорий)
2. ШИ-14 й.т. "Олпартак маҳалласи-Ангрен деҳқон бозори" (Ангрен ш.) (такрорий)
3. ВХ-390 й.т. "Невич қишлоғи-Қўйлик АШБ" (Қўйлик томондан) (такрорий)
4. ШИ-22 й.т. "4-кичик ноҳия-Айлин фаб.-Марказий бозор-4-кичик ноҳия" (Охангарон ш.) (такрорий)
5. ВХ-344 й.т. "Қайтмас қишлоғи-Тўйтепа АШБ" (такрорий)
6. ВХ-415 й.т. "Қизилтоғ қ.-Қўйлик АШБ (Олга орқали)" (такрорий)
7. ВХ-440 й.т. "Тўйтепа АББ-Алимкент кўргони" (такрорий)
8. ВХ-539 й.т. "Ҳазалкент-Богистон қишлоғи" (такрорий)
9. ВХ-543 й.т. "Чирчиқ АББ-Хондойлик қишлоғи" (такрорий)
10. ВХ-552 й.т. "Ҳазалкент АШБ-Қизил сув қишлоғи" (такрорий)
11. ВХ-557 й.т. "Қузилов маҳалласи-Ҳазалкент АШБ" (такрорий)
12. ВХ-371 й.т. "Жумабозор-М.Юсуф қўчаси бекати" (такрорий)
13. ВХ-286 й.т. "Янгийўл темир йўл вокзали-Тошкент (Бут орқали)" (такрорий)
14. ВХ-286 й.т. "Янгийўл темир йўл вокзали-Тошкент (Бут орқали)" (такрорий)
15. ВХ-588 й.т. "Қизил Ўзбекистон-Тошкент АББ" (такрорий)
16. ВХ-295 й.т. "Янгийўл шаҳар деҳқон бозори-Кескен қишлоғи" (такрорий)
17. ШИ-31 й.т. "Сут заводи-Аммофос ОАЖ" (Олмалик ш.) (такрорий)
18. ВХ-367 й.т. "Янгибозор АШБ-А.Ясавий" (такрорий)
19. ВХ-368 й.т. "Чумчуқжар қишлоғи-Жалолтепа кўргони" (такрорий)
20. ВХ-426 й.т. "Ўртасарой ф/у-Қўйлик АШБ" (такрорий)
21. ВХ-551 й.т. "Ҳазалкент АШБ-Ҳах Чам қишлоғи" (такрорий)
22. ВХ-294 й.т. "Янгийўл-Сергели мавзеси" (такрорий)
23. ВХ-315 й.т. "Алимкент кўргони-Бўқа АШБ" (Ўзбекистон ф/у орқали) (такрорий)
24. ВХ-316 й.т. "Бўқа-Гулистон ф/у" (Қўророл орқали) (такрорий)
25. ВХ-317 й.т. "Бўқа-Қаҳшадар ф/у" (Т.Ражабов орқали) (такрорий)
26. ВХ-400 й.т. "Дўстобод АШБ-Чиноз шаҳри (Меҳнатобод орқали)" (такрорий)
27. ВХ-401 й.т. "Дўстобод АШБ-Чиноз шаҳри (Гул орқали)" (такрорий)
28. ВХ-417 й.т. "Охангарон АШБ-Тўйтепа АББ" (такрорий)
29. ВХ-417 й.т. "Охангарон АШБ-Тўйтепа АББ" (такрорий)
30. ВХ-418 й.т. "Қўйлик АШБ-А.Навоий маҳалласи" (такрорий)
31. ВХ-419 й.т. "Қўйлик АШБ-Беларик" маҳалласи (23-сонли ўрта мактаб бекати)" (такрорий)
32. ВХ-439 й.т. "Тўйтепа АББ-Ўртасарой-Қўйлик АШБ" (такрорий)
33. ВХ-575 й.т. "Чиноз-Тошкент (Жанубий вокзал АШБ)" (такрорий)
34. ВХ-583 й.т. "Чиноз шаҳри-Йўл тушган маҳалласи-Чиноз пахта заводи" (такрорий)
35. ВХ-585 й.т. "Чиноз шаҳарчаси-Чиноз балиқ бозори" (такрорий)
36. ВХ-586 й.т. "Чиноз шаҳри-Яллама қишлоғи" (такрорий)
37. ВХ-592 й.т. "Қолгансир маҳалласи-Ойбек ф.у. маркази" (такрорий)
38. ВХ-597 й.т. "Тошарик маҳалласи-Олмалик АШБ" (такрорий)
39. ВХ-604 й.т. "Оққўрғон АШБ-С.Сегизбоев ф/у" (такрорий)
40. ВХ-605 й.т. "Оққўрғон АШБ-Охунбоев ф/у" (такрорий)
41. ВХ-606 й.т. "ЗАФАР АЧББ-Бекобод/Ўзбекистон ф/у орқали" (такрорий)
42. ВХ-607 й.т. "Зафар АЧББ-Мавлонов ф/у" (такрорий)
43. ВХ-609 й.т. "Янгибозор АШБ-Бўстон қишлоғи" (такрорий)
44. ВХ-611 й.т. "Янгийўл деҳқон бозори-Дархон м.ф.й. (Коминтерн)" (такрорий)
45. ВХ-612 й.т. "ТошДАУ-ТТЗ АШБ" (такрорий)
46. ВХ-613 й.т. "Паркент АШБ-Самсарак қишлоғи" (такрорий) (такрорий)
47. ВХ-614 й.т. "Янгийўл АШБ-А.Темур қ.ф.й." (такрорий)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 17 августдаги 350-сонли, 1999 йил 29 июлдаги 368-сонли, 2011 йил 16 февралдаги 34-сонли ва Тошкент вилояти ҳокимининг 2011 йил 22 февралдаги 49-сонли қарорларига асосан, очик тендерда белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида рўйхатдан ўтган, давлат солиқ хизмати органларида ҳисобда турадиган автомобиль транспортида тегишли равишда шаҳар, шаҳар атрофида, шаҳарлараро, халқаро йўловчилар ташишлари амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензияга ҳамда тендер тақдирларида тасвир этилаётган ҳар бир автотранспорт воситаси учун лицензия картончаларига эга бўлган ҳар қандай юридик шахс қатнашиши мумкин. Ҳар бир транспорт воситасини битталаб қўриқдан ўтказиш бўйича белгиланган намунадаги, йўл ҳаракати ҳавфсизлиги ҳудудий бошқармаси муҳри билан тасдиқланган ижобий ҳулосали далолатноманинг мавжуд бўлиши қатнашиш учун мажбурий шарт ҳисобланади. Тендер қатнашчиси айнан битта автотранспорт воситаларини

ҳар хил йўналишларга тасвир этишга ҳақли эмас. Тугатиш ёки банкротлик босқичида турган ёхуд мулкига арест солинган талабгорларнинг тендерда қатнашишига йўл қўйилмайди. Тендер қатнашчиларидан Тошкент шаҳрига кириб келувчи йўналишлар бўйича йўналишларга тақлиф этиладиган транспорт воситалари автобус ва микроавтобус турида бўлиши талаб этилади.

Тендер ташкилотчиси – Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 1 ноябрдаги 229-сонли, Тошкент вилояти ҳокимининг 2007 йил 14 ноябрдаги 248-сонли ва 2010 йил 18 октябрдаги 247-сонли қарорлари билан тасдиқланган Шаҳар, шаҳар атрофи ва шаҳарлараро (вилоят ичида) йўналишларда йўловчилар ташишни ташкил этиш вилоят комиссияси. Комиссия манзили: Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Автасозлар кўчаси, 4/68-йў.

Очик тендерда иштирок этишни хоҳловчилар Шаҳар, шаҳар атрофи ва шаҳарлараро (вилоят ичида) йўналишларда йўловчилар ташишни ташкил этиш ви-

лоят комиссиясига тендер ҳужжатлари пакетини олиш учун Тошкент вилояти ҳокимлигининг Йўловчи транспортининг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш Департаменти ҳисоб рақамига АТБ "Ўзсаноатқурилишбанк" Қибрай бўлими, х/р 20210000104661167001 (банк коди 00884, ИНН 300625470, ХХТУТ 51600)га га энг кам ойлик иш ҳақининг 2 баробари миқдоридан пул ўтказиб, 2015 йил 23 октябрь соат 17.00 гача буюртма беришлари лозим.

Шаҳар, шаҳар атрофи ва шаҳарлараро (вилоят ичида) йўналишларда йўловчилар ташишни ташкил этиш вилоят комиссияси тендер тақдирларини 2015 йил 27 октябрь соат 17.00 гача қабул қилади.

Тендер ўтказиш манзили: Тошкент шаҳри, Автасозлар кўчаси, 4/68-йў, Тошкент вилояти ҳокимлигининг Йўловчи транспортининг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш Департаменти биноси. Маълумот учун телефон: (+99871) 294-92-43.

"NEW ESTATE ACTION" МЧЖ бошланғич баҳоси
босқичма-босқич очиб бориш тартибида
ўтказиладиган очик аукцион савдосига тақлиф этади!

Суд ижрочилари Департаменти томонидан аукцион савдосига: 1. 2012 йил 5 мартдаги ЖСК-1-69/12-сонли ижро ҳужжатига асосан, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Тузель КФЙ манзилида жойлашган: умумий майдони 8377,43 кв.м., қурилиш ости участка майдони 1121,4 кв.м. бўлган "Автосарой" бино-иншоотлари.

Бошланғич баҳоси-604 310 000 сўм. 2. 2012 йил 5 мартдаги ЖСК-1-69/12-сонли ижро ҳужжатига асосан, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Чилонзор-Мавзук кўчаси, 3-йи манзилида жойлашган: ер участкасининг умумий майдони 15844,0 кв.м., фойдала майдони 2898,3 кв.м. бўлган "Ишлаб қилиш ҳудуди" бино-иншоотлари.

Бошланғич баҳоси-2 808 670 000 сўм. 3. 2012 йил 5 мартдаги ЖСК-1-69/12-сонли ижро ҳужжатига асосан, Тошкент вилояти, Бўстонлик тумани, Бурминло қишлоғи, Д.Тўсмутов кўчаси манзилида жойлашган: турархонининг умумий майдони 792,0 кв.м., қурилиш ости участка майдони 730,4 кв.м. бўлган "дала-ховли".

Бошланғич баҳоси-653 690 000 сўм. 4. 2012 йил 5 мартдаги ЖСК-1-69/12-сонли ижро ҳужжатига асосан, Тошкент шаҳри, Юнусов тумани, Амир Темур кўчаси, 62-йи манзилида жойлашган: бинонинг умумий майдони 836,0 кв.м. бўлган "Манияш хизмат қўрашчи" бино-иншоотлари.

Бошланғич баҳоси-1 506 820 000 сўм. 5. 2012 йил 12 февралдаги ЖСК-1-69/12-сонли ижро ҳужжатига асосан, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Оқ ҳовоқ маҳалласи манзилида

жойлашган: турархонининг умумий майдони 643,0 кв.м., қурилиш ости участка майдони 180,92 кв.м. бўлган "Қурилиш тугалланмаган дала-ховли" бино-иншоотлари.

Бошланғич баҳоси-107 760 000 сўм. 6. 2012 йил 5 мартдаги ЖСК-1-69/12-сонли ижро ҳужжатига асосан, Наманган вилояти, Наманган шаҳри, 2-ноҳия манзилида жойлашган: ер майдони 0,29 Га, қурилиш ости майдони 1081,75 кв.м. бўлган "Савдо ва хизмат қўрашчи мажмуаси" бино-иншоотлари.

Бошланғич баҳоси-1 317 621 690 сўм. Аукцион савдоси 2015 йил 14 октябрь кунини соат 12.00 да ўтказилади. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш (соат 10.00 дан соат 16.00 гача) аукцион бошланғичдан бир кун олдин тўхтатилади. Савдога қўйилган қўчаси мулк билан талабгорлар тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишишлари мумкин.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузилладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "NEW ESTATE ACTION" МЧЖнинг ОАИТЕ "Ипак йўли" Мировод филиалидан қўйиладиган ҳисоб рақамига тўлашлари шарт. 2020800010499680001, МФО 01101, ИНН 302373151. Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Яқкасарой тумани, М. Таробий кўчаси, 31-йў. Тел.: 254-69-13. Лицензия: RR-0148.

"REAL AUCTION" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-
босқич очиб бориш тартибида ўтказиладиган очик
аукцион савдосига тақлиф этади!

Аукцион савдоларида: Суд ижрочилари Департаменти томонидан: 05.03.2012 йилдаги ЖСК-1-69/12-сонли ижро ҳужжатига асосан: 1. 1984 йилда и/ч., дав/рак: 108Е429, бошланғич баҳоси-28 223 000 сўм бўлган "КамАз-5511" русумли техник носоз; 2. 1981 йилда и/ч., дав/рак: 108Е430, бошланғич баҳоси-27 547 000 сўм бўлган "КамАз-5511" русумли техник носоз; 3. 2008 йилда и/ч., дав/рак: 01/767САА, бошланғич баҳоси-37 321 000 сўм бўлган "ГАЗ-2752-414" русумли техник носоз; 4. 1991 йилда и/ч., дав/рак: 108А712, бошланғич баҳоси-28 752 000 сўм бўлган "КамАз-5511" русумли техник носоз; 5. 1984 йилда и/ч., дав/рак: 10А201, бошланғич баҳоси-28 129 000 сўм бўлган "КамАз-5511" русумли техник носоз; 23.07.2012 йилдаги ЖСК-1-185/12-сонли ижро ҳужжатига асосан: 2008 йилда и/ч., дав/рак: 01/707ААА, бошланғич баҳоси-128 746 000 сўм бўлган "Toyota Prado" русумли техник носоз автотранспорт воситалари тарқоран савдога қўйилмоқда.

Аукцион савдоси 2015 йил 12 ок-

тябрь кунини соат 11:00 да бошлаб ўтказилади. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар

Қадриятларимиз

АЙЁМИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН!

Ривоят қилишларича, Расули акрам (с.а.в) Мадинага келганларида бу шаҳар аҳлининг икки байрами бўларди. "Жоҳилият даврида биз бу кунларда ўйин-кулгу қилардик", дейишди мадиналиклар. Шунда Расулulloх (с.а.в): "Аллоҳ Таоло у иккиси-

Мустақил юртимизда байрамлар кўп ва ҳар қайсисининг ўзига хос моҳияти, файзу таровати, руҳи бор. Жумладан, Истиқлол йилларида эмин-эркин, умумхалқ байрами сифатида нишонлаб келинаётган Рамазон ва Қурбон ҳайитларининг ҳам мазмун-маъсади ўзгача.

Қурбон ҳайитининг келиб чиқиш тарихига келсак, бу Иброҳим алайҳиссалом даврларига бориб тақалади. Нақл қилинишича, Иброҳим алайҳиссалом ўз ўғиллари Исмоил алайҳиссаломни Аллоҳ йўлида қурбонлик қилгани олиб чиқишлари тафсилоти, албатта, сизларга яхши маълум. Қисқаси, бу жараёнда Иброҳим алайҳиссаломнинг Яратганга бўлган

эътиқоди синовдан ўтади ва Парвардигор амри билан қурбонлик қилиш учун жаннатдан қўқор чиқарилади.

Азизлар, биз муқаддас Қурбон ҳайити арафасида-миз. Мазкур байрамнинг мақсад-моҳияти, одоб ва тартиботлари, шунингдек қурбонлик қилиш қоидалари борасида шу ўринда қисқача тўхталиб ўтсак, фойдадан ҳоли бўлмас.

Сизга маълумки, Қурбон ҳайитининг муҳим бир хизмати – бу байрамда Аллоҳ йўлида жониворлар қурбонлик қилинади. Бундан қўйдан ташқари яна эчки, қорамол, туя сўйилиши мумкин. Қўй ва эчкилар бир киши номидан қурбонлик қилинади. Қорамол ва туя эса етти

ни сизлар учун энг яхши – Рамазон ва Қурбон ҳайитига алмаштиради" деган хушхабарни айтдилар. Шундан бу ёнга – ўн тўрт асрки, мусулмон дунёси мазкур икки байрамни муқаддас билиб, умумхалқ шодиёнаси сифатида нишонлаб келади.

киши номидан ният қилиниб, қурбонликка аталади. Товук, хўроз, қурка, ўрдақ, ғоз каби уй паррандалари қурбонликка ўтмайди. Яна шартли шуки, қурбонликка аталган ҳайвонлар соғлом, кўркем бўлиши, қўй-эчкилар бир ёшдан, қорамол икки ёшдан, туя беш ёшдан ўтган бўлиши керак.

Қурбонлик қилиш фақат қурбон етган кишилар учун вожиб ҳисобланади. Янада аниқроғи, мол-давлати закот нисобига етган бўлиши керак. Бироқ, бошқалар ҳам ихтиёрий равишда қурбонлик қилиши мумкин. Қўпинча, айрим юртдошларимиз қурбонлик қилиш вақтида англишадилар. Вақти шундайки, Ҳайит намози

олади. Қурбонлик гўшти хом ҳолида тўласича тарқатилиши ҳам мумкин. Мабо-до, қурбонлик қилган киши ўзи серфарзанд, нисбатан қўли қисқа бўлса, бутунлай ўз оиласи эҳтиёжи учун ҳам сарфлаши мумкин.

Азизлар, Қурбон ҳайитини ўз моҳиятига кўра хуш хурсандчилик билан ўтказайлик. Кекса ота-оналаримизни зиёрат қилайлик. Ногиронлар, хаста-беморлар, мискинлар кўнглини олиб, хайр-саховатлар қилайлик. Кичиктоиларни совға-салом, ширинликлар билан сыйлаб, уларга ҳам ҳақиқий байрам завқини улашайлик. Чунки, мазкур байрам ҳамма-ники. Ундан ҳамма бирдек баҳраманд бўлиши керак. Фотиҳонликлар билан кун ўтказиб, байрам шуқуҳини кетказиш, бидъатдан бошқа нарса эмас.

Айни чоғларда кўплаб

ватандошларимиз Маккаи мукаррамада Ҳаж арконларини адо этиб юришибди. Тинч ва осуда Ватанимиз кундан кунга чирой очиб бормоқда. Диний байрамларимиз дам олиш кўни деб эълон қилиниб, умумхалқ сайлига айланмоқда. Жомеларимиз намозхонларга тўлиб, ибодатларимизни эмин-эркин адо эта-япмиз. Шуларнинг шуқро-насиға байрам кунлари яхши ниятлар қилайлик, фарзандларимиз камолини, кексаларимиз умри узоқлигини, ва албатта, Истиқлолнинг барқарорлиги тинчлигимизни бардавонлигини тилайлик.

Меҳр-мурувват, саховат байрами бўлмиш Қурбон ҳайити ҳаммамизга муборак бўлсин!

Зайнилобиддин
КУДРАТОВ,
Пискент тумани
"Мулла Бўта Қози" жоме
масжиди имом-хатиби.

Кўзгудаги ўзимиз

Мухтасар катта ўғлини уйлантирганда келини Лолахонни одобли, ҳаёли, ибодли, тарбия кўрган қиз олдим деб суюнган эди. Тўғри-да, келини гапни ўйлаб гапирса, катталарнинг кўзига тик қарамаса, энг муҳими, гап қайтармаса, бу қайси қайнонага ёқмайди дейсиз?!

Орадан йиллар ўтди. Қайнона-келин муносабати ўзгармади. Лолахоннинг билмаганларини ўргатиш, хато иш қилиб қўйса кечиртиш, хуллас янги уйга мослашиш учун қайнона қўлидан

дан, хотинимни қўйсам қутуламанми?" деган гапидан дили оғриган эди...

Мухтасар келини билан ўғли бахтли эканидан қувонади. Ахир улар жанжаллашса аввал онаизор куяди-да. Бироқ, ёшларнинг бир-бирига муносабатида, уларнинг янги турмуш қўрган пайтларидаги уят, андиша, истиқола бир қадар ортага чекингандай...

Тунов кўни ошхонада бир-бирига ширинлик едириб қўяётганига кўзи тушган эди. Сал кун ўтмай, меҳмонхонадаги

ТАРСАКИ



келганча ҳаракат қилди. Аввал ўғил, кейин қизли бўлган Лолахон кексалар таъбири билан айтганда, туп қўйиб, паллак ёзди, тушган уйини "ўзиники" қилиб олди. Айнан шу "ўзиники" қилиб олиш кейинги пайтларда қайнонага бирмунча эриш туюла бошлади. Худа-беҳуда болаларини жерик, сил-талайдиган, бақириб уришадиган, ҳатто қўлига эрк берадиган одат чикарди.

Шу чоққача бу хонадондан бақир-чақир овоз чиқмаган эди. Энди эса... "Кизим, набираларимга овозингизни кўтарманг. Ахир, булар бола-ку, уриб-уришганингизни биладими? Боз устига қўшнilar эшитса, нима деб ўйлайди. Биз ҳам кексайиб қолдик, бақир-чақирингиз зарда бўлиб туюлапти", деган қайнона Лолахондан: "Энди қўшнларингизни деб ўз боламини ҳам уришолмайманми?!" Сизларга зарда қилаётганим йў! Болаларнинг ёнини олиб, тарбиясини бузманд, бу уйда бирон нарсаси дейишга ҳақим борми ўзи?!" деган жавобни олди-ю, тинч уйини нотинч қиламани, деган ўйда тилини тишлади. Ўғлига ҳам хотини ҳақида бирон сўз айтолмайдиган. Бир маҳаллар: "Нима хоҳлайсизлар мен-

юмшоқ ўриндикда ястаниб ўтиришгани устига қилиб қолган Мухтасардан на келини, на ўғли истиқола қилмади, ўнғайсизланмади ҳам. Гўёки шундай бўлиши керакдай. Кеча кечки овқат пайтидаги ҳолат ҳаммасидан ҳам ўтиб тушди. Дастурхонга фотиҳа ўқилмаёқ, Ақромбек хонтахта ёнида узала тушиб ётиб олди. Келин ҳам эрига суняиб ёнбошлаган қўйи, қўзини телевизордан узмай, писта чақишни бошлади.

Қайнона-қайнотанинг ёнида шу яхшими? Боз устига буй етган қизлар уйланиш ёнидаги ўғилларнинг кўз ўнгига бу манзарани оқлаб бўладими, ахир? Ака ва янға уларга қандай ўрнак бўлишарди?! Мухтасар шуларни ўйлаб, энди гапирмасам, тартибга чакирмасам бўлмайди, деган фикр хаёлидан ўтган ҳам эдики, идишларни йиғиштиришга туттинган Саида "портлади":

– Келиноий, сал ўзингизни йиғиштириб олинг. Ҳар қандай ҳунарингиз бўлса, сизларга ажратилган уй бор, ўша ерда қилинг.

Эшик "тарс" этиб ёпилди. Унинг зарбидан деразалар ҳам зириллаб кетди. Бу андишаизлик юзига тортилган тарсаки эди.

Аллома АЗИЗОВА.

Болалар спорти

ИШОНЧ ВА КУЧ – КЕЛАЖАК ПОЙДЕВОРИ

Шу боис истиқлолнинг илк кунлариданоқ, спортга, айниқса, болалар спортига алоҳида эътибор қаратилди. "Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси" ташкил этилгани бу борадаги ишлар қўламини янада кенгайтирди, спортчилар қўлга киритаётган ютуқлар салмоғи сезиларли даражада ошишига замин яратди. Бугун спортсеварлар бокс, кураш, каратэ, таэквондо, дзюдо, кикбоксинг, эркин кураш, шахмат-шашка, қўл жанги, катта теннис, бадий ва спорт гимнастикаси, сузиш, енгил атлетика, баскетбол, футбол ва жаҳонда кенг тарқалган бошқа спорт турлари билан изчил шуғулланмоқдалар. Энг муҳими, уларга қулай шарт-шароит ва имкониятлар яратиб берилган.

– 2003-2014 йилларда вилоятимизда 161 та спорт иншоотлари қурилди, уларнинг аксарияти қишлоқ жойларда, – дейди Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси вилоят бўлими директори Элдор Мирхоников. – Бунга жами 80 миллион сўм маблағ сарфланди. Шунингдек, 72 та мактабда спорт заллари қурилди.

Дарҳақиқат, вилоятда замонавий спорт иншоот-

(Давомий. Боши 1-бетда).



лари қурилди, мавжудлари реконструкция қилинапти. Ҳусусан, бу йил жами 19 та спорт иншооти фойдаланишга топширилиши режалаштирилган бўлиб, шундан 14 таси умумтаълим мактаблари спорт залларидир. 5 та болалар ва ўсмирлар спорт мактабларининг моддий-техник базаси яхшиланди. Мав-

жудлари зарур спорт анжумлари билан таъминланди.

– Таэквондонинг ITF тури билан шуғулланаман, – дейди зангиоталик Муҳаммад Али Муҳаммаджонов. – Одамда қизиқиш бўлиши мумкин, бироқ қулай шартроит ва имконият бўлмаса, у амалга ошмай қолаверади. Шундай экан, эришадиган ютуқла-

рим аввало Юртбошимиз эътибор қўрсатаётган боз ёшлар ва ғамхўрлик самарасидир. Бу йил Болгарияда ўтказилган халқаро турнирда совриндор бўлиб, халқимиз ишончини оқлаганидан беҳад шодман.

Ҳозир Қибрай, Ўрта Чирчиқ, Бўқа, Чиноз туманларидаги спорт мактаблари реконструкция қилиниб, ўйингоҳлар таъмирланаяпти. Шунингдек, 12 та сузиш ҳавзаси капитал таъмирдан чиқарилди. Бўқа туманида замонавий сузиш ҳавзаси барпо этилди. Энди бўқалик ўғил-қизлар ҳам сузиш билан шуғулланишлари мумкин.

Қувонарлиси шуки, ҳозир 172 минг 523 нафар ёшлар ўзлари истаган спорт билан шуғулланишарди, уларнинг 86 минг 586 нафари қизлардир. Уларга 700 га яқин мураббий устозлик қила-япти.

– Болалар ва ўсмирлар спорт мактабимизда барча шарт-шароитлар яратилган, – дейди зангиоталик Нурмон Муродов. – Қолаверса, бизга малакали устозлар сабоқ беришарди. Шунинг учун мактабимиз жамоалари яхши натижаларга эришарди. Мен эса эркин кураш билан шуғулланаман.

Ирода МАКСУДОВА.

ТУРМАДА ЎТКИР ЮҚУМЛИ КАСАЛЛИК

Жанубий Африка Республикаси Кейптаун шаҳри яқинидаги турмалардан бирида қамқоқ муқддатини ўтаётган 4100 маҳбусни бошқа турмага кўчиришга мажбур бўлгани ҳақида хабар тарқатди Al Jazeera агентлиги.

Агентлиқнинг ёзишича, ахлоқ тузатиш муассасасида ўткир юқумли касаллик пайдо бўлгани, уни асосан қаламушлар тарқатаётгани аниқланди. Ўтган дам олиш кунлари маҳаллий оммавий ахборот воситалари юқумли касалликдан икки маҳбус ҳалок бўлганини хабар қилди. Шу боис касаллик авж олмаслиги учун маҳбуслар бошқа турмага кўчирилиб, барча хоналар дезинфекция қилинди.

Мамакатнинг полиция ҳамда фуқаролар ҳуқуқларини таъминлаш бўйича ахлоқ тузатиш муассасалари иттифоқи баёнот бериб, турмадаги ниятда оғир шартлолларни танқид қилди ва ушбу вазиятни "умумийлиги аҳамият молик муаммо" деб таърифлади. Ушбу таъкилот вақили Ричард Мамабалонинг сўзларига қараганда, касаллик тарқалган турма маҳбусларга ҳаддан зиёд тўлиб кетган. Ҳусусан, 30 кишига мўлжалланган камераларда 80 маҳбус сақланмоқда, битта қулатувчига 70 маҳбус тўғри келади.

Юқоридаги турмада тарқалган ўткир юқумли касаллик шуниси билан хавфлики, у аввало энг майда қон томирлари, жигар, буйрак ва мушакларни ишдан чиқаради. Касаллик вирусини эса карирувчилар ва уй ҳайвонлари тарқатади.

ҚҲРБОНЛАРИНИНГ АКСАРИЯТИ ҚОЧОҚЛАР

Reuters агентлиги қирғоқ муҳофазаси хизмати ходимлари маълумотиға таяниб тарқатган хабарда Греция томон йўлга чиққан қочқоқлар кемаси Туркияга яқин соҳилларда қок кемаси билан тўқнашиб кетганини маълум қилди.

Ушбу ҳалокат оқибатида 13 киши ҳалок бўлди, улардан 6 нафари болалар. Кема бортда жами 46 киши бўлиб, 20 нафарини қутқаришга муваффақ бўлинди.

Илгари тарқатилган хабарда ҳалокатга учраган кемдаги 28 қочқоқ бедарак йўқолганини айтилган. Бу ўтган дам олиш кунларидаги иккинчи бахтсиз ҳодиса эди. Шанба кунги ҳалокат пайтида бир бола нобуд бўлган, 13 киши сувга қулаган ва бедарак йўқолган. Бир ҳафта илгари эса 34 қочқоқ, шу жумладан, 15 бола кема ҳалокати қурбони бўлган эди.

ЭЙФЕЛДА ШУБҲАЛИ ШАХСЛАР

The Daily Mail нашри тарқатган хабарда келтирилишича, Париждаги Эйфел минорасига шубҳали шахслар кириб олгани ҳақидаги хабар сабабли ушбу минора вақтинча ёпиб қўйилди.

Маълумотда келтирилишича, Франциядаги энг асосий сайёҳлар тўпланидиган ушбу қадимчи беш соатли мудатга ёпиб қўйилиб, полиция ходимлари ва ўт ўчирувчилар қидирув ишларини олиб боришди. Шубҳали шахслар террорчилик ҳаракатини содир этишлари мумкин, деган тахмин туфайли зудлик билан бир вертолёт ҳавога кўтарилиб ва миноранинг атрофида айланиб, вазиятни ўрганиб чиқди. Шундан сўнг сайёҳлар минораси киришлари учун йўللари қайта очилди.

"Ҳеч қандай шубҳали нарсаси топилмади ва шу боис минорани қайта очдик", дея маълумот берди минора компанияси дирекцияси ТАСС агентлигига.

САМОЛЁТ МАШИНА БИЛАН ТЎҚНАШДИ

Ўтган яшанба кўни Швейцариянинг чоғроқ Холцхен шаҳрида самолёт иштирокида йўл-транспорт ҳодисаси содир бўлди.

Маълум қилинишича, ҳавода парвоз қилиб бораётган самолёт номаълум сабабларга кўра, ерга қулай бошлаган. У шаҳардаги автомобиль йўлларидан бири устига қулаш пайтида автомашина билан тўқнашди. Транспорт воситалари ҳайдовчилари жараҳат олиб, зудлик билан етиб келган тиббиёт хизмати ходимлари томонидан шифохоналарга ётқизилди. Самолётда йўловчилар йўқлиги боис бошқа ҳеч ким ушбу автоҳалокатдан жабр кўрмади.

Мўъжазгина самолёт белгиланган йўналиш бўйича учиб бораётиб, беҳос йўлга қулашини қутмаган машина ҳайдовчиси қочиб қолган. Чет эл оммавий ахборот воситаларининг ёзишича, юз бериши мумкин бўлган портлашнинг олдини олиш мақсадида воқеа жойига махсус хизмат ходимлари ҳамда бир қанча ўт ўчирувчилар етиб келишган. Эндиликда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари воқеа сабабларини ўрганишмоқда.

МАКТАБДА ТУТУНДАН ЗАҲАРЛАНИШДИ

Хитойнинг Тяньшуй шаҳридаги мактаблардан бирида ўт ўчириш бўйича ўтказилган машқ жараёнида 190 ўқувчи аччиқ тутундан заҳарланди.

Маълум қилинишича, ўқувчилар авиация ҳуқуми ва унинг оқибатида юз берадиган ёнғин пайтида қандай ҳаракат қилиш йўл-йўриқларини ўрганишадиган эди. Вазият ҳақиқий аҳволга яқинроқ бўлиши учун мактаб хоналари тутунга тўлдирилди. Маҳаллий оммавий ахборот воситаларининг ёзишича, тутун ҳаддан зиёд қуюқ бўлгани учун 190 ўқувчи жиддий жабр кўрди. Зеро, тутун тарқатувчи электр мосламаларини ишга солишда 412 киши қатнашган эди. Энди ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари воқеа тафсилотларини ўрганишмоқда.

Сураткаш ҳазили



– Ҳар сафар машғулотда тер тўкиб югуришим шартми?!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Муассис:

Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир

Убайдулла
АБДУШОҲИДОВ

Маъзилми:

100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар
кўчаси, 32.

Электрон почта:

thaqiqat@uimail.uz

Телефонлар:

Қабулхона: 233-64-95, 233-55-39,
233-58-85 (факс).

Бўлим муҳаррирлари ва
муҳбирлар: 233-38-23, 233-48-08.

Шартнома ва эълонлар: 233-56-03, 233-65-59.

Ҳисоб-китоб бўлими: 233-54-10.

Тошкент вилояти Матбуот ва
ахборот бошқармасида 2011 йил
12 январда 03-001 рақами билан
рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати»
таҳририяти компьютер марказида
терилди ва саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир

Ирода НОРБОВА

Навбатчи

Муқаллас ИСРОИЛОВА

Саҳифаловчи
Тоҳир МАҲМУДУХҲАЕВ

Ҳафтининг чоршанба ва шанба кунлари чиқади.

Буюртма S-3969.

Адади 8089.

Баҳоси келишилган нархда

Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.

ISSN 2010-9318.

Белгилли материаллар – тижорат материаллари. "ЎЗБЕКИСТОН" нашриёт-матбаа ижодий уйи босмаҳонасида босилди. Корхона манзили: Навоий кўчаси, 30-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 19.40.